

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 247 (10.050)

2003 ЙИЛ 25 ДЕКАБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Бир кунни*  
Янгилıklar, воқеалар

## Қисқарта

● **БУГУН** Сергели «Бахт уйи»да тумандаги ногирон болалар учун яқинлашиб келаётган янги йил байрами муносабати билан «Болаларнинг қувончли кўзлари — оламнинг иккинчи қуёши» мавзuida хайрия тадбири ва спорт эстафетаси уюштирилди.

● **БУГУН** 10-муסיқа мактабida Ҳамза туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Аёл ҳуқуқлари ва бурчлари» мавзuida ташкил этилган ўқув-семинарida туман мактабларининг атакчи қизлари иштирок этишди.

● **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ташкил этилган йилги ўтаётган йилда қилинган ишлар ва келгуси йил режалари муҳокамасига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида фуқаролик жамиятининг шакллантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган анжуман ўтказилди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказida мактабдан ташқари муаллимларнинг бола тарбиясидаги ўрни ва бу борала маҳалла, прокуратура, суд идоралари билан ҳамкорлик масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбир Республика ўқувчилар саройининг ташаббускорлигida уюштирилди.

● **СУВНИЙ** тозалаш мақсадида филтёр ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Акватех» корхонасини замонавий технологиялар билан таъминлаш масаласи муҳокамасига бағишланган йилги иш ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрининг 2003 йилдаги иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаси ривожланишининг кутилаётган яқунлари ҳамда ислохотларнинг асосий йўналишлари бўйича 2004 йилдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Кун тартибidaги асосий масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов маъруза қилди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида ўтган вақт ичида пойтахт қиёфаси янада кўркамлашди, янгидан-янги санаот корхоналари, меҳмонхона мажмуалари, ижтимоий соҳа иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши давом эттирилди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, тўлов интизоми ошди, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида мутаносиблик кучайгани кузатилди. Ҳисобот даврида барча соҳаларда бозор ислохотлари изчил олиб борилди. Бу эса, ўз навбатида, ижобий натижаларга эришишга замин яратди.

Дастлабки кўлга киритилган натижалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йил яқунлари бўйича барча асосий иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш суръатлари таъминланди. Чунончи, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ички ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 6,5 фоизга, санаотда ишлаб чиқариш — 10,1 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиши — 0,8 фоизга, капитал инвестициялар ҳажми — 4,6 фоизга, чакана савдо айланмаси — 9,4 фоизга, пуллик хизматлар ҳажми — 4,3 фоизга ошди. Экспорт ҳажми — 28,3 фоизга кўпайиши кутилмоқда.

Албатта, жорий йилда эришилган барча ютуқлар ва натижалар, юқорида айтиб ўтилганидек, айнқиқа пойтахтнинг ташқи қиёфасида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Ўтган давр ичида кичик Халқ йўлининг учинчи навбати ишга туширилиши Акмал Икромов, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Собир Рахимов туманлари аҳолиси учун транспорт ва йўл хизматларида анча қулайликлар яратди. Жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида ҳам пойтахтликлар манфаатини кўзлаб кўшимча 200 та «Мерседес»

русумли автобуслар харид қилинди. Молиялаштиришнинг турли манбалари ҳисобидан 231,4 минг квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилди. 765 та кўп қаватли уй таъмирдан чиқарилди. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, айнан ушбу мақсадларда давлатимиз раҳбари таклифига биноан ҳукуматнинг захира жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм ажратилди.

Жорий йилда 8,6 километр ичимлик суви, 7,6 километр газ, 14,9 километр оқва суви, 2,2 километр иссиқлик тармоқлари ўтказилди. Шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария тозалигини таъминлаш борасида ҳам талай ишлар бажарилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш учун бюджетдан 70 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. «Бандлик» дастури бўйича кўшимча 25 мингдан кўпроқ иш жойлари очилди.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ҳам салмоқли ишларни амалга оширишга эришилди. Жумладан, аҳолининг турли эҳтиёжларини янада қондириш мақсадида 100 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилди. Муҳандислик иншоотларини таъмирлаш ва янгилаш учун 5 миллиард сўмдан зиёд, маҳаллалар ҳудудидаги кўча ва майдонларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига 450 миллион сўмга яқин маблағлар сарфланди. Кам таъминланган oilаларга бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан 25,6 миллион сўм ажратилди.

Давоми 2-бетда.

## Обуна — 2004

### «ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Қадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳамиша севиб мутулаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Буни шу кунларда таҳририятга келаётган дил номаларидан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетига обуна расмийлаштирилаётганини яна бир қарра эслатиб ўтишни лозим деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва кенг жаҳонда рўй бераётган воқеа-ходисалар, янгиларини тезкор-



лик билан ёритади, сиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтирамиз. Шундай экан, вақтни фанатит билиб севишли нашингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина сизнинг нурли хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буюради.

**XXI саҳоси**  
ХАҚР  
Барча жамбалардан олгангиз сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг йилги ишлари бўлиб ўтди.

● Самарқанд Давлат университетida республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Замон, ислохот ва маънавий-маърифий тарбия» мавзuida республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

● Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида паррандачилик санатини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бошланди.

● Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан мамлакатимизда ўтказилган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ниҳоятасига етди. Тадбир давомида олиб борилган тарғибот, назорат-профилактика ишлари натижасида ёнғинларнинг умумий сонини ўтган йилга нисбатан 14 фоиз қисқартиришга эришилди.

● Жиззах шаҳрида бир йилда 1 миллион дондан ортиқ 6 турдаги аккумуляторлар ишлаб чиқариш қувватига эга «ЎЗЭКСАЙД» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси иш бошлади.

● Тошкентда шу йилги Ўзбекистон чемпиони ва мамлакат кубоги соҳибни «Пахтакор» футболчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## Жаҳонда

● Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад ал-Барадей БМТ инспекцияси Ливияга келаси ҳафтада боришини билдирди.

● АҚШ Грузияга ўтиш даврида мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал қилиш учун 21 миллион доллар миқдорида ёрдам ажратди.

● Кескин мунозаралардан сўнг Украина парламенти Президент Леонид Кучманинг низолашаётган ҳар икки томоннинг ҳарбий операцияларида қатнашмаслиги шарти билан Украина тинчликпарвар кучларини Либереяга юбориш тўғрисидаги таклифини тасдиқлади.

● Колумбиянинг шимоли-ғарбida йўловчилар билан тўла автобусда портлаш содир бўлди. Натижада 4 киши ҳаётдан кўз юмди, 30 нафарга яқин йўловчи жароҳатланди.

● АҚШ ҳукумати Ироқнинг собиқ диктатори Саддам Хусайнининг асирга тушгунга қадар яшириниб ётган ер ости бункерини музейга айлантиришни режалаштиришмоқда.

● Калифорнияда юз берган элишла оқибатларини бартараф этиш юзасидан кутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Энг муҳими, элишла эпицентридан 160 километр узоқликдаги Ал-Дяб-ло шаҳридаги атом электр станциясига шикаст етмади.

## Иқтисодиёт

## АЖОЙИБ ТУХФА

Янги йилда болажонлар учун энг яхши совға ширинликлардир. Айниқса, мазали ёнғоқли ҳамда сутли шоколадлар жажжи кичкинтойларнинг жону дили десак янглишмаймиз. Хозирда юртимизда фаолият юритаётган Туркиянинг «Тат» компаниясида тайёрланаётган аjoyиб шоколадларнинг барчаси азиз болажонларимиз учун тухфадир.

2000 йилда ташкил этилган ушбу корхонада асосан шоколадларнинг 4 хил тури ишлаб келирилмоқда. Германиядан келтирилган замонавий усуналар билан жиҳозланган корхона ходимларининг кўпчилигини маҳаллий ёшлар ташкил қилади.

Турли ном ва шаклда, шунингдек, чиройли идишлардаги қуйилтирилган шоколадларнинг мазали таъми ва сифатидан ҳам корхона ички бозорда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Савдо расталаридан ўрин олган «Тат»нинг ширинликлари айна пайтда харидорлар эътиборини қозонган.

## ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ЭГА

Хозирда юртимизда фаолият юритиб келаётган кўша корхоналарнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Ҳамкорликда яратилаётган бундай корхоналарнинг ривожига албатта ҳар иккала томон сармоғи билан биргаликда тadbиркорлиги ва ишбилармонлиги ҳам кўл келади.

Айни пайтда Бектемир туманидаги «Агрокерамика» Ўзбек-Италия кўша корхонаси ҳам бугунги кунда сифатли маҳсулотлари билан ички бозоримизга муносиб хисса қўшиб келаётган ҳамкорлик корхоналаридандир.

Йилига 600 минг метр квадрат керамик сопол плиткалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонада 2 хил ва 12 рангда сопол плиткалар тайёрланади. Корхонанинг Италиядан олиб келинган барча техника-технологиялари замонавий, компьютерлаштирилган бўлиб, бунда ишчи кучига эҳтиёж юқори даражада талаб қилинмайди. Шуниси эътиборлики, маҳсулот учун хом ашёнинг 95 фоизи республикамизнинг Тошкент, Самарканд, Қашқадарё вилоятларидан олиб келинади. Қолган хом ашёнинг 5 фоизи Италия ва Испания давлатларидан келтирилади.

Корхонада иш жараёни 2 сменада бўлиб, у ерда 107 нафар ишчи-ҳодимлар ҳамда малакали мутахассислар иш олиб боришади. Бугунги кунда «Агрокерамика»да тайёрланаётган маҳсулотлар республикамиз бозорида ўзининг доимий харидорларига эга. Улар 159-қурилиш трести, «Паркентсувуқурилиш» трести ва Сурхондарё вилояти капитал қурилиш бош бошқармасидир. Корхонанинг келгуси режалари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш ва рақобатбардош маҳсулотларни четга экспорт қилишдир.

Орзугул РУСТАМОВА

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Болалар спортини ривожлантиришга оид ҳукумат қарори ижросини таъминлаш ҳамда «Обод маҳалла» дастури доирасида 4 та спорт мажмуалари барпо этилди. Ҳокимликлар, туман халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, ҳомийлар ёрдамида 137 маҳаллада спорт майдонлари қурилди, умумтаълим муассасаларида 200 та спорт майдончалари, 167 та спорт заллари, 300 дан зиёд буфет ва ошхоналар таъмирланди.

Ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнлари жадал ва самарали давом этганлигини кўрсатади. Аммо шу билан бирга, сессияда таъкидлаб ўтилганидек, ислохотларнинг изчиллик билан олиб борилиши йўлида хануз тўсиқлар вужудга келишига сабаб бўлаётган муаммолар ҳамда камчиликлар мавжуд ва бу биринчи навбатда сифат кўрсаткичларига тааллуқлидир. Сессияда айрим ҳукумат қарорларининг ижроси тўлиқ ва талаб даражасида бажарилмаётганлигига эътибор қаратилди. Маълумки, кейинги вақтда иқтисодиётдаги ислохотларнинг муҳим йўналишлари бўйича, шу жумладан ички бозорни сифатли товарлар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ширатироки кенгайтирилиши ҳисобидан истеъмол моллари билан тўлдириш борасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганди. Сессияда ушбу йўналишдаги ҳужжатларнинг талаблари ижроси танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинди. Чунончи, 69 та саноат корхонасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиши 40,1 миллиард сўмга камайган. Ҳисобот даврида иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши деярли 2 фоизга орта бўлсада (ўтган йил ақунлари бўйича бу кўрсаткич 45,1 фоиздан иборат эди), аммо, таҳлилларга қараганда, тadbиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг асосий қисми умумий овқатланиш соҳасига, шунингдек қурилиш молларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Шу билан бирга пойтахтимиз бозорларидаги аҳволни хануз коникарли деб бўлмайди. Tadbиркорлар учун кейинги йиллар давомида савдо фаолиятини маромида юритиш

учун қулайликлар яратиш мақсадида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, уларнинг саломатлигини яхшилаш, савдо маданиятини ошириш борасида стационар-турғун расталар бунёд этилаётди. Шундай бўлсада, айрим тadbиркорлар фақат шахсий манфаатни кўзлаб, ўз киссасини ўйлаб иш юритмоқда, бунинг оқибатида бозорларимизга четдан сифатсиз маҳсулотлар кириб келиши давом этмоқда.

Депутатлар томонидан шунингдек капитал қурилиш, транспорт хизмати бозори ҳамда коммунал хўжалигидаги аҳвол таҳлил қилинди. Шу нуқтаи назардан туман ҳокимликлари, бўғинлардаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига барча жабҳадаги камчиликларни бартараф этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бу борада асосий эътиборни бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини излаган ҳолда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилган кўша корхоналарни ташкил этиш, амалиётга маркетинг тadbикотлари, менежмент, янги технологияларни жорий этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Сессияда айна пайтда долзарб бўлиб қолаётган маънавият ва маърифат масалалари, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, кадрларни танлаш масалалари устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, туман ҳокимликлари томонидан ўзини ўзи бошқариш органларини, шу жумладан нафақат маҳалла, балки уй-жой ширкатларини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ёрдам бериш хусусида сўз борди.

Шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибидagi иккинчи масала — пойтахтнинг 2004 йил бюджети лойиҳаси асослари билан депутатлари Молия бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Тоҳиров таништириб ўтди. Жорий йилга нисбатан келгусида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатлар қисми кескин кўпайиши кутилмоқда. Бюджетнинг 52 фоизини ижтимоий соҳага ажратиш режалаштирилган, шу жумладан таълим соҳасига харажатлар 3 фоизга ошади. Ўтган йилга қараганда бу кўрсаткич уч фоиздан ҳам

кўпроқ. Таъкидлаш лозимки, бюджетда биринчи мартабада шаҳар хўжалигини киш мавсумига тайёрлаш борасида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2004 йилда уй-жойларни тубдан таъмирлаш учун ажратиладиган маблағлар ҳажми икки мартага кўпаяди. Шунингдек, бюджетда ижтимоий солиқларни қисқартириш кутилмоқда.

Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бош ва энг муҳим бўғини бўлган бюджет жараёни моҳияти ҳақида гапирар экан, жойларда бюджет тушумларининг вақтида таъминлини ҳамда уларнинг мақсадли ишлатилиши борасида назоратни қучайтириш лозимлигига урғу берди, шунингдек келгуси йилда иқтисодиётнинг ўсиш суръатини 6 фоизга ошириш режалаштирилмаётганини ҳисобга олган ҳолда ушбу мақсадга эришишда биринчи навбатда корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, ишлаб чиқариш ресурслари самарасини ошириш, йирик корхоналарда таркибий ўзгаришларни давом эттириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Кун тартибидa, шунингдек, оилада тиббий маданиятни ошириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялашга йўналтирилган ҳукумат қарори ижроси ҳам муҳоокама қилинди. Ушбу масала юзасидан шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ҳисобот берди.

Кўрилган масалалар юзасидан депутатлар Раимжон Алимов, Хусниддин Маҳқамов, Жамолиддин Камолитдинов, Раҳимжон Розмуҳамедов, Ботир Зокиров, Равшан Пўлатов, Ирина Савельева, «Соғлом авлод учун» жамғармаси шаҳар таянч маскани раҳбари Дилбар Алимжонова, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Исломов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сессияда депутатлар томонидан Тошкент шаҳрининг 2004 йилги бюджет лойиҳаси тасдиқланди, кун тартибидagi барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Умумжаҳон университети (The Global University) ректори, профессор П.Р.Триведи янги мустақил давлатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб бориладиган ички сиёсат масалалари ҳақида тўхталиб, Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар диққатга сазовор эканини таъкидлади. Нотиқ 2002 йили ўзининг Ўзбекистонга сафари чоғида мамлакатимиз ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида олиб бораётган фаолияти билан яқиндан танишганини айтди.

Профессор П.Р.Триведи Ўзбекистонда ўтказиладиган демократик ислохотлар ҳақидаги ахборотларнинг ўзининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ҳамда ўз мамлақати тақ-

димотларида маҳаллий матбуот ва жамоатчилик билан яқин ошқора алоқалари учун Ўзбекистон элчиси ушбу му-

тимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбарининг ушбу фахрий мукофот билан тақдирланиши Президентимиз

## ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИСИ — МУКОФОТ СОҲИБИ

Деҳли шаҳрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конгрессининг бешинчи анжумани бўлиб ўтди. Ҳиндистон Инсон ҳуқуқлари институтини (Indian Institute of Human Rights) ташкилотчилигида ўтказилган ушбу анжуманда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конгрессининг 2002-2003 йиллар якуни бўйича Ҳиндистонда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси вакиллари орасидан Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Иброҳим Маълонининг «Инсоннинг универсал ҳуқуқлари ҳимояси учун» мукофотида сазовор бўлгани маълум қилинди.

қофотга лойиқ топилганини қайд этди.

Ўз-ўзидан аёники, мамлақат-

И.А.Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш борасида олиб бораётган фаолиятининг элчи тўмсолида муносиб равишда эътироф этилишидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конгрессининг бешинчи анжумани якунида мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур мукофотга сазовор бўлганлар орасида БМТ Озиқ-овқат дастурининг Ҳиндистондаги директори Дэвид Флетчер, БМТнинг Деҳлидаги ахборот маркази директори Фёдор Старкевич, ЮНИСЕФнинг Ҳиндистондаги ваколатхонаси директори ўринбосари Дэвид Грессли ҳамда БМТнинг ОИТСга қарши кураш дастури вакили Метин Дью хоним ҳам бор.

Шухрат УМИРОВ,  
«Жаҳон» АА,  
Деҳли

**Салтанат**

**ТРАКТОРСОЗЛАР АНСАМБЛИГА ДИПЛОМ**

«Тошкент трактор заводи» Давлат хиссадорлик жамияти цех ва участкаларида украин миллатига мансуб тракторсозлар ҳам меҳнат қилиб келишмоқда. Улар орасида кўшиқчилик санъати билан қизиқиб, ўз ижодчилик маҳоратини намойён қилган истадодлар бор.

Ана шу бадий хаваскорлар корхона маданияти уйда ташкил этилган «Катюша» нурунийлар ансамблининг фаоллари ҳисобланади. Бу ижодий жамонанинг ижрочилик маҳоратини инобатга олиб, ансамбли Тошкентдаги Украина маданияти маркази ўзининг оталигига олди. Эндиликда марказнинг шохобчасига айланган «Катюша» ансамбли яқинда янги концерт томошасини тайёрлади. Украин халқ кўшиқ ва ларларидан тузилган мазкур дастур томошабинларга манзур бўлди.

Ижрочилик муваффақияти учун ансамбл Украина маданияти маркази дипломи ва рамзий совғаси билан тақдирланди.

**ОБОД МАҲАЛЛА КЎЧАЛАРИ**

«Обод маҳалла йили» дастури ижод намуналари орқали ҳам ўзининг бадий ифодасини топди. «Обод маҳалла кўчалари» деб номланган шеърли тўплам ақинда босиб чиқарилди.

Тошкент Давлат педиятрия-тиббий институти ўзбек тили кафедрасининг мудираси, шоира Кавсар Турдиеваннинг бу янги тўпламидан 20 га яқин шеърлар ўрин олди. Мамлакатимизда бунёд этилган кўркам бинолар, кенг ва раvon кўчалар ҳарорати мисраларда таъричанму этилди.

Шоира Обод маҳалла йилида бунёд этилиб, шаҳар кўркига кўрк қўшган файзли ва серкатор кўчаларга рамзий ном бериб, кўли гул бунёдкорлар меҳнатини улуглайди.

Янги тўплам олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган «Нишона» адабий тўғаракнинг ижодий маҳсули сифатида чоп этилди.

**КУТУБХОНАНИНГ ТУРКУМ АХБОРОТНОМАСИ**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китобхонларни янги нашрлар билан ошно қилиш мақсадида библиографик-ахборот тўпламларини чоп этишга киришди. «Ўзбекистон маданияти ва санъатига оид янги адабиётлар» деб номланган китобча ана шундай мўъжаз нашрлардан дастлабкиси бўлди.

Унда мамлакатимиз матбуоти саҳифаларида маданият ва санъатга бағишлаб ёритилган энг яхши мақолаларнинг қисқача баёни ўз ифодасини топди. «Маданий-маърифий ишлар», «Халқ байрамлари ва миллий урф-одатлар», «Кутубхонашунослик», «Музей иши ва музейшунослик» каби рухлар остида берилган библиографик маълумотлар кўнчилик эътиборини ўзига тортади.

Ахборотнома тўпламлари йилнинг ҳар чораги оралмида мунтазам равишда чоп этиб борилади.

Акбар АЛИЕВ

**Солиқ**

**ЎРИНЛИ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ**

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатини жойларда ўзаро ҳамкорликда амалга оширишда маҳалла оқсоқолларининг роли қандай бўлмоқда? Коммунал тўловларни йиғиш ишларида-чи? Участка солиқ инспекторлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда қандай натижаларга эришмоқда? Обод маҳалла йилида аҳолининг ижтимоий иқтисодий шарт-шароитларини яхшилашда ажратилган маблағларнинг салмоғи ва солиқлар тушуми, солиқчи маданияти ва аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар (электр, газ, сув) қай аҳволда?

Ўқоридаги ва бошқа кўплаб саволларга Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида бўлиб ўтган «Маҳалла — жамият таянчи» мавзусидаги талбирда жавоб топилди. Унда иштирок этган мутасалли раҳбарлар, шахримиздаги маҳаллаларнинг оқсоқоллари ва участка солиқ инспекторлари, талбиркорлар юқоридаги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Панаев участка солиқ инспекторлари томонидан 2003йилда маҳалла фаоллари билан маҳаллий солиқларни йиғиб олишдаги ишларнинг натижаси ҳақида тўхталиб, жорий йил давомида туман Давлат солиқ инспекцияси участка солиқ инспекторлари томонидан шахримизда мол-мулк солиғи тўловчи 541824 та хўжа-

лик рўйхатга олинди, имтиёз берилганларидан ташқари 326929 та солиқ тўловчига 1429734 минг сўм миқдорда мол-мулк солиғи ҳисобланганлигини айтди. Шундан 17 декабрь ҳолатига давлат бюджетига ундирилган мол-мулк солиғи миқдори 1249540,4 минг сўмни ташкил этган. Ер солиғи бўйича эса давлат бюджетига 695335,3 минг сўм ундирилиб режа 101,9 фоизга бажарилган.

Участка солиқ инспекторларининг маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан солиқ йиғишдаги ҳамкорликлари ўз самарасини бериб, қатор маҳаллаларда солиқлар муддатидан олдин давлат бюджетига ундирилган. Бу борада маҳалла солиқ инспекторларининг ўзларига бириктирилган маҳаллаларда солиқ тўловчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар уюштириб

давлатимизнинг солиқ сиёсатини тарғибот-ташвиқот, солиқ қонучилигига риоя этилиши юзасидан тушунтириш ишлари олиб борганиликлари ўз самарасини берди.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Рихситилла Ақромов «Обод маҳалла йилида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини яхшилашда ажратилган маблағларнинг салмоғи ва солиқлар тушуми ҳақида», шаҳар «Талбиркор аёл» уюшмаси раиси Насиба Миродилова «Маҳаллада кичик ва ўрта бизнес, хусусий талбиркорликни ривожлантириш» мавзусларидаги кўнчилик чўқишлари билан талбирда иштирок этдилар.

Маҳалла оқсоқоллари, талбиркорлар «ТошшаҳарГАЗ» ҳудудий газ таъминоти корхонаси, «Сувсоз» унитар корхо-

наси, «Тошэлектртармоғи» корхонаси мутасаддиларига ушбу хизматлар учун тўловларни йиғишдаги муаммолар, хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги шартномалар тузишдаги камчиликлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Шунингдек, солиқчи маданияти хусусида ҳам алоҳида таклифлар бўлди. Ушбу масалалар юзасидан саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

Айниқса, «Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси бош муҳаррири Ашурали Жўраевнинг «Агарда солиқчи келса...» мавзусидаги ҳажвий чўқиши талбир иштирокчиларининг кайфиятини кўтарди.

Талбир сўнгида солиқ инспекторларига солиқларни тўплашда яқиндан ёрдам берган маҳалла оқсоқолларига эсдалик совғалари топширилди. Улар орасида «Шарқ тонти» (Чилонзор), «Байналмилал» (Миробод), «Бобур» (Яккасарой), Олим Аширов (Бектемир), А.Темур (М.Улугбек), «Янгиобод» (Ҳамза), «Чўпонота» (Шайхонтоҳур), «Учувчилар» (Сергели) маҳаллалари бор. Янги йил байрами арафасида ўтказилган ушбу талбир йиғилганларга байрам кайфияти улашди.

Шарифа ИЛЁСОВА

**Бугунги кунда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш вазифасини ўз зиммасини олган ўқув муассасаларида олиб борилаётган амалий ишлар диққатга сазовордир. Юртбошимизнинг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонида кўра академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари, олий таълим муассасалари тизимини миллий дастур талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш мақсадида республикамиздаги барча лицей ва касб-хўнар коллежларига эътибор қўйиририлди ҳамда ушбу муассасаларда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.**

Мирзо Улуғбек номи Ўзбекистон Миллий университети қошида 1999 йил ташкил этилган Собир Раҳимов академик лицейи ҳам ҳозирда муваффақиятли фаолият юритаётган таълим масканларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий Университетида узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш, олий таълим билан ёнма-ён ўрта махсус таълимни ҳам йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув муассасасида ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар йўналиши бўйича 270 нафардан ортик ўқувчи тахсил олмақда. Бунинг учун университетнинг моддий-техник ва ўқув базаси, айниқса, педагогик салоҳияти ниҳоятда кўл келмоқда. Бу ишларни ташкил этиш ва давомийлигини таъминлашда университет раҳбариятининг хизматлари каттадир.

Академик лицейда дарс беришга асосан университет олимлари жалб этилган бўлиб, улардан 3 нафари фан докторлари, профессорлар, 13 нафари эса фан номзодлари, доцентлардир. Бу ҳар бир фанни ўргатиш учун шу соҳанинг юқори малакали етакчи мутахассислари жалб қилинганидан далолат беради. Жумладан, ижтимоий-сиёсий фанлар факультетининг доценти Фани Набиев, фалсафа факультетининг катта ўқитувчиси Саида Аликулова, математика факультетининг доценти Людмила Шарова, компьютер технологияси факультетининг доценти Абдуманноф Абдуқодиров, тил-адабиёт бўйича катта ўқитувчи Муаттар Гойибназарова, аниқ фанлар бўйича математик Шухрат Ғозиевларнинг факультетлардаги ўқув хоналари ва лабораторияларида бераётган дарслари ўқувчиларнинг билим савияларини оширишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўқувчиларни илмий-амалий тадқиқот ишларига жалб қилиш учун Ўзбекистон республикаси Фанлар академиясининг институтлари билан ҳам бевосита ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Асосан



Фанлар академиясининг математика, полимерлар кимёси ва физикаси, тил-адабиёт институтлари билан шартнома асосида олиб борилаётган ишлар самара бермоқда.

—Кафедраларда ўқитувчилар илмий-услубий ишларни қўлланмалар, дарсликлар, кўргазмалар воситалар, лаборатория жиҳозлари, компьютер дастурлари тайёрлаш билан бирга олиб боришади,—

деди академик лицей директори Баходир Йўлдошев.—Шунингдек, ўқитувчиларимиз ўзларининг илмий салоҳиятларини ўстириш мақсадида турли илмий-амалий конференцияларда маърузалари, республикамизнинг нуфузли газета ва журналларида илмий мақолалари билан қатнашиб келимоқдалар. Ўқувчиларимизга берилаётган имкониятлардан яна бири етакчи университетнинг кутубхонасидир. Ўқувчиларимиз ўзларини қизиқтирган барча соҳаларга оид адабиёт ва ўқув қўлланмалари, маънавийдан ЎзМУнинг ўқув ва илмий-фундаментал кутубхоналарида фойдаланиш имкониятларига эгадирлар. Шуларнинг самараси ўлароқ ўқувчиларимиз республика ва шаҳар миқёсларида ўтказилаётган турли танлов, конкурс ва олимпиадаларда совринли ўринларни эгалламоқдалар.

Болалар спортини ривожлантиришга эътибор қўйгани боис таълим масканида ҳам ёшларни жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Ўқувчилар спорт залларида, шахмат-шашка, теннис, баскетбол тўғрисидаги мунтазам равишда шугулланиб келишади. Шунингдек, академик лицейнинг битирувчилари ҳар йили институтларга яхши натижалар билан кўнчи киришиб, келажакда етук мутахассислар бўлиб етишиш учун тинмай изланмоқдалар.

Хулоса ўрнида шунни айтиш керакки, XXI аср ёшлари ақлий, илмий салоҳияти юқорилиги, маънавий даражаси юксаклиги билан юртимизни дунёга танитишларига шубҳа йўқ. Чунки бизнинг аждодларимиз ўзларининг ақл-заковатлари билан дунёни ҳайратга солиб келганлар. Уларнинг воқислари бўлмиш ҳозирги ёшлар зиммасига ватанимиз шон-шўхратини янада кўтариш масъулияти юклатилган. Бунда Собир Раҳимов академик лицейи талабаларининг ҳам муносиб ҳиссалари бўлишига ишончимиз қомил.

**Дурдона РАҲИМОВА**  
**СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.**



**Ақойиботлар**

**ТИЛЛА ТИШЛИ  
ЧАҚАЛОҚ**

Австралиялик Мэри Ракуэлл деган аёлнинг кўзи ёриганда, чақалоқни кўриб ҳамширалар хайратдан ёқа ушлашди. Чунки чақалоқ пастки жағида битта тилла тиш билан туғилганди. Тасо-дифни қарангки, худди шу кун, шу соатда Мэрининг отаси вафот қилган эди. Унинг, яъни ўша чақалоқнинг бобосининг пастки жағида, худди шу жойида тилла тиши бор экан. Мэри бобосининг руҳи неварасига кўчиб ўтган деб қаттиқ ишонмоқда.

**ТОШБАҚА  
КОСАСИДАН  
КУТУБХОНА**

Хитой археологлари Хэнам вилоятидаги қазилмалар натижасида дунёдаги энг қадимий кутубхоналардан бирини топшди. Кутубхонадаги китоблар-иероглифлар битилган 20 минг тошбақа косасидан ва турли хайвонлар суюқларидан иборат эди. Уларнинг қатъий тартибда, мавзуларга бўлиб рақамланишидан кўринадики, Шан салтанати даврида — эра-миздан олдинги XVI-XI асрларда ҳам кутубхона-чилик олий мақомда ташкил қилинган экан.

**БУЙРАКДАГИ  
БЕНЗИН**

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, деб мана бу воқеани айтса бўлади. Туркиянинг Мерели шаҳри шифокорлари қирқ уч ёшли беморни текширувдан ўтказиб хайратда қолишди. Унинг буйрақлари ишлаб чиқараётган суюқлик олий навли бензиндан фарқ қилмасди. Шифокорлар хатосими бу! Йўқ, америкалик ҳамкасблари турк шифокорлари хулосасини тасдиқлашди. Туркия АТВ телекомпанияси ўша ғаройиб одамни телевизорда кўрсатди. У қорнининг ўнг томони тешиб ўрнатилган пластик найчадан оқиб тушаётган суюқлик — бензиннинг журналистларга намойиш қилди. Суюқликнинг хиди ҳам, ёниши ҳам бензиндан фарқ қилмасди. Ай-тишларига қараганда у одам энди ўз «мини фабрика»сида ишлаб чиқарилаётган бензиндан қандай фойдаланиш ҳақида бош қотираётган эмиш.

**РАДИОЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ТРЕНИНГ**

Тошкентдаги Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида «Ижтимоий йўналишга асосланган бозор иқтисоди» мавзуда радиожурналистлар учун семинар-тренинг ўтказилди.

— Бозор иқтисодиёти талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ривожланади, — деди Ўзбекистон Миллий банкнинг бўлим мудирини Абдуқаҳор Мавлонқориев «Туркистон-пресс» мухбирига: — Унинг муҳим шартларидан бири маҳсулотнинг рақобатбардорлиги ҳисобланади. Баъзида тadbиркорларимиз ана шу шартга бефарқ қарайдилар. Улар республика иқтисодини эмас, балки ўз

чўнтақларини ўйлашади. Жаҳон тажрибасига таяниб ишласалар яхши бўларди. Масалан, Япониянинг «Soni» фирмаси машҳур бўлишида ўз маҳсулотларини таннарихдан паст баҳо-да бошқа мамлакатларга сотганлиги кўл келган. Натижада, «Soni» маҳсулотларига бўлган талаб ортган. Бу ҳам бўлса, тadbиркорликнинг бир кўринишидир. Журналистлар иқтисодий мавзудаги радиоэшитти-

ришларини тайёрлашда унга тахлий жихатдан ёндошишлари лозим. Радиожурналистлар семинар-тренингда Ўзбекистон иқтисодиёти ривожининг асосий йўналишлари, банк иши, солиқ тўлови ва ижтимоий масалалар, Ўзбекистонда халқаро инвесторларнинг иш тажрибаси, иқтисодий мавзуда радио эшиттиришлар тайёрлаш мавзуларида маърузалар тинглашди. Шунингдек, қатнашчиларга иқтисодий мавзуда радиоэшиттиришлар тайёрлашда ва тингловчиларни унга жалб қилишда нимага эътибор қаратиш лозимлиги хусусида батафсил маълумот берилди.



Юртимизда байрам шодиёналари кўтаринки руҳда бошланди.

Биз бу ўринда ростгўйлик ва унинг Хазрат Навоий ижодидаги талқини билан боғлиқ қарашларимизни баён этмоқчимиз.

Гап шундаки, ростгўйлик азал-азалдан маънавий ҳаётимизда инсоннинг ботиний гўзаллигининг муҳим қирраси сифатида эътироф этиб келинган. Қолаверса, худди ана шу инсоний фазилат, расмий доиралар учун ҳам давлат-адилати олий мақомда ташкил қилинган экан.

— Шаҳга сидҳ аҳли дамидин машъала давлат эрур, Мехрдекким субҳ анфоси очар талъат

Яъники «сидҳ аҳли» — тасавуф тарикатида тўғри сўзлик, адл сўзловчи кишиларнинг уюшган жамоаси демакдир. Худди ана шу байтани таниқи адабиётшунос, профессор

Наҳмиддин Комилов, янада мухтасарроқ қилиб: «Шоҳлар давлатидаги адл чирони, ростқавл дарвешларнинг на-

рий ганжиналар сочди. Ҳикматомуз фикрларга, адолат, ҳақиқат эшигини очадиган тинсолларга, бадий-фалсафий бўёқларга латиф ургулар беради.

Жумладан, шоирнинг бетакор «Назм-жавоҳирчида шундай сатрлар бор:

Сидҳ ичра қачони чикса оти эрининг, Фош ўлса садокатда сифати эрининг. Хушроғки тавил ўлса

**Мўъолаа**

**МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗ  
ГЎЗАЛЛИГИ**

Шарқ фалсафий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга молик Кайқовуснинг «Қобуснома» асарида инсон тарбияси билан боғлиқ фазилатлар ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлиш мумкин. Айниқса, асардаги: ҳайбат, адл, саховат, муҳофазат, мулоийлик ва ростгўйлик билан боғлиқ ибратли фикрлар киши эътиборини тортмасдан қолмайди.

фасидан ёнади» — дея изоҳлаган. Дарвоқе, дарвешлар тўғри сўз, иймони покиза, холис ниятли кишилар уюшмаси эканлигини назардан қочи-масак «ростқавл» калимасининг маз-мун-моҳияти янада ойдинлашади. Маълумки, тасавуф илмида «Р» ҳарфи риёдан сақланиш, жаҳолатдан узоқлашиш маъноларини беради. Шу боис тасавуфда, Риё — ўзи кўз-кўз қилиш, сохалик, мунофиқлик сифатларининг рамзи эканлиги эътироф этилади. Каттада кўёш акс этгандек, Риё замирида ҳам, албатта, ёлгон тушунчаси мавжуд.

«Шамсул миллат» ўзининг буюк «Хамса»сида ва бошқа бир қатор асарларида ҳам ростгўйлик ҳақида шеъ-

ҳаёти эрининг. Ким, сидҳдин-ўқ дурур наҳоти эрининг. Сатрларда улугвор, инсоний сифатлардан бири — сидҳидиллик, (тўғрилик, хосиятлик, ҳақиқатпарастлик) туфайли ҳар бир инсоннинг умри абадиятга даҳждор бўлиши таъкидланган.

Хулоса шуки, ростгўйлик, улуг шоирнинг ички оламидаги гўзалликнинг бир қисми. Айни пайтда эса унинг олмос янглиғ товланиши, асарларига кўчиши асрлар оша бугунги авлодлар учун ҳам тарбия мактаби ва маънавий «феномен» вазифасини ўтайдиган омилдир.

Хидирали ПАНЖИЕВ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида АҚШнинг «Амери Керс» ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф Интернешнл» халқаро хайрия ташкилотлари томонидан келтирилган мурувват ёрдамларини топшириш маросими ўтказилди.

**МУРУВВАТ ЮКЛАРИ ТОПШИРИЛДИ**

Хукуматимизнинг «Соғлом авлод», «Обод маҳалла йили» давлат дастурлари ҳамда «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорини муваффақиятли бажаришда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, 2004 йил «Мехр ва мурувват йили» муносабати билан жамғарма қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтирмоқда.

Жамғарманинг ана шундай ҳамкорларидан бири Германиянинг «Фриденсдорф Интернешнл» халқаро ташкилотидир. Ташкилот 1967 йилда ташкил толган бўлиб, ўз фаолиятини йигирма бешдан ортик мамлакатларда амалга оширмоқда. Унинг асосий вазифаси Европанинг кўп сонли клиникаларига ҳамда ташкилот билан ҳамкор бўлган давлатларнинг бемор болаларига ёрдам кўрсатишдан иборат. Ҳозирги кунга қадар мазкур ташкилот орқали ўзбекистон-лик 28 нафар бемор бола Германияда даволанди. Ташкилот бемор болаларни даволаш билан бир

қаторда мурувват ёрдамларини ҳам кўрсатмоқда. Жамғарманинг навбатдаги ҳамкорларидан бири АҚШнинг «Амери Керс» халқаро хайрия ташкилотидир. У хусусий нотижорат мурувват ташкилоти бўлиб, 1982 йилда ташкил толган. Ташкилот дори-дармонлар ва тиббий жиҳозларни жойларга инсонпарварлик ёрдами сифатида етказиш билан шуғулланади. Ҳозиргача мазкур ташкилот томонидан мамлакатимизга 35 миллион АҚШ доллари миқдорига мурувват юклари келтирилди.

АҚШнинг «Амери Керс» халқаро хайрия ташкилоти томонидан жорий йилнинг ноябрида келтирилган 500 минг АҚШ доллари миқдорига дори-дармонлардан иборат мурувват ёрдами ва Германиянинг «Фриденсдорф Интернешнл» халқаро хайрия ташкилоти томонидан 3 минг 989 минг евро миқдорига, болалар юкумли касалликлари шифохоналари учун мўлжалланган витаминлардан ташкил толган мурувват юклари республикамизнинг тиббий муассасаларига ва жамғарманинг минтақавий филиалларига тарқатилди.

**Мағбирлар**

**САХОВАТЛИ  
БЎЛАЙЛИК**

Халқимизда азалдан меҳрга ташна инсонларга мурувват кўрсатиш анъаналари мавжуд. Фарзандлар ота-онасига оқибатли бўлишлари, эзгу юмушлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, етим-есир, ногирон, кам таъминланган оилалар ҳам давлатимиз томонидан доимо қўллаб-қувватланиб келинади.

Ақмал Икромов туман ҳокимлиги ташаббуси билан 199-ёрдамчи мактабда ногирон ва якка-ёлғиз, етим-есирларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия тadbирлари ўтказилди. «Маънавият ва маърифат» марказининг Ақмал Икромов туман бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлимлари томонидан уюштирилган тадбир ушғача руҳ, юқори кайфият билан ўтказилди. Шунингдек, тadbирда бадий ҳаваскорлар томонидан оҳанграбо куй-қўшиқлар янгради, кўнглига яқин рақсалар ижро этилди. Йиғилганларга илиқлик улашиш мақсадида нозу неъматлар билан дастурхон ҳам безалди.

Тadbирда сўзга чиққанлар, аҳолини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, меҳр-оқибатни улардан дариг тутмаслик милдий анъаналаримизнинг ажралмас қисми эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Дарҳақиқат, муҳтожга қўйилган келганига ёрдам берсанг, савобга қолсан деб бежиз ай-тишмайди ота-боболаримиз. Хайр-эхсон инсоний фазилатлар ичида энг гўзалдир. Ёрдамга муҳтож оилаларга марҳуматли бўлайлик, азизлар!

Юлдуз УСМОН

## Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб Домо бўлаёт...

• Инсонга тажриба, билимлар, муқаддималари бўлган «хусусий маърифат» жуда лозим бўлгани каби, кўркамлик учун керак бўлган «камоллий маърифат» ҳам лозимдир.

Камоллий билимлар зарур бўлган билимлардан бўлмаса ҳам, баъзилари қай вақтда зарурий илмлар каби керак бўлиб қолади. Ва баъзан шу билим орқали ишда муваффақиятга эришилади. Шунинг учун ҳар кимга бу билимлардан кучи етганича ўзига керак бўлган хиссасини олиш лозимдир. Бу илм кўришиб, салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашиб, зиёфат қилишлик, хат ёзишлик ва бошқа ҳоллар ҳақида бўлган усул ва одобни ўргатади. Бу билимни ўрганиш ҳар кимга тавсия қилинади. Инсон — одоб ва гўзал юриш-туруши билан инсондир. Мусиқа, расм каби нафис санъатлардан қайси бирини ўрганишга қобилиятинг бўлса, севсанг уни ўрган, яхши расом, мусикашунос бўлишга гайрат қил, чунки буларнинг ҳаммаси керак бўлиб, инсонга қадр, лаззат ва саодат бағишлайди.

ХИКОЯТ. Султон Махмуднинг жуда ҳам гўзал бир боғи бор эди. Бир кун шу боғда отаси Носируддавла Сабуктакини шарафига зиёфат тортиб берди. Зиёфатдан кейин ўғли отасидан:

— Азиз отам, менинг бу боғим ҳақида нима дейсиз, сизга маъқул бўлдими? — деб сўради. Отаси шундай деб жавоб берди:

— Эй кўзимнинг нури ўғлим, боғинг жуда ҳам зебо ва дилқуш боғдир, аммо давлати, бойлиги бор ҳар бир киши бундай боғни бунёдга келтира олади, лекин сен кўпларга муяссар бўлмаган бир боғни вужудга келтир, унинг мевасидек мева ҳеч қаерда топилмасин.

— Сизнинг таъриф қилганингизча, бунёдга келтириш ҳар кимга ҳам муяссар бўлмаган у боғ қандай боғ экан? — деб эди, отаси жавоб берди:

— У боғ, фозиллар, адиб, шоирлар, донишмандлар ва бошқа ахлоқли, тарбияли улуг зотлар сукубатидир. Шу улуг зотлардан тарбия топиб яхши ишлар зухурга келтириш унинг дарахти бўлиб, меваси яхши номга эга бўлишидир.

• Инсонлар эртага керак бўладиган нарсаларни бугун олиш ҳаракатида бўлмасалар, киши учун ёз кунда, қарлик армонлари учун ёшлиқда ҳозирланмасалар, вақт ўтгандан кейин пушаймонлик фойда бермайди. Агар инсон келажақ учун ҳозирлик кўрмаса, муҳтожликда умр кечиради.

Шундай экан, ота-оналар фарзандларининг кўнгилларига уларнинг ёшлик пайтларидаёқ истиқбол маъносини яхшилаб ўргатишлари лозимдир. Фарзандларига яхшилик истамаган ота-она бўлмайди. Шунга кўра, ота-оналар ҳар вақт болаларининг қўлоқларига уларнинг келгусида бошларидан кечирадиган ҳолларни ва истиқбол учун лозим бўлган ҳозирликларни қайта-қайта айтиб турсинлар, уларнинг кўнгилларига меҳнатни севиш туйғусини ўрнатсинлар.

Баъзи ота-оналар ўзларнинг молу давлатларига, мансабларга таяниб, болаларини тизгинсиз қўйиб юбордилар. Дунёда бундан ҳам зиёда нодонлик йўқдир. Тизгинсиз қўйиб юборилган болаларнинг истиқболлари маълум, бунинг изоҳ қилиб ўтиришнинг ҳожасти йўқдир.

## РУС ТИЛИДА ЯНГРАДИ

Тошкентда Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов шеърларининг рус тилидаги китоби тақдими ўтказилди. Унда фан, маданият ва санъат арбоблари, шунингдек Россиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.


Сўзга чиққанлар ўқувчини жаҳон адабиёти дурдоналари билан танитишда таржимоннинг хизмати беқиёс эканини қайд этдилар.

— Ижодимда кўпгина буюк ижодкорларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилганман, — деди Абдулла Орипов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Адабий асарни, айниқса шеърини таржима қилиш ниҳоятда мураккаб. Таржимондан шеър руҳи, оҳанги, мазмуни ва асл нусхадаги гўзаллигини сақлаб қолган ҳолда бошқа тилга ўғиратиш

талаб этилади. Ана шунда таржимоннинг маҳорати яққол намоён бўлади. Шеърларимни рус тилига таржима қилган Александр Файнберг билан ижодий ҳамкорлигимизни давом эттирамиз деб умид қилман.

Ҳақиқатдан ҳам Абдулла Ориповнинг рус тилидаги янги шеърий тўпламини қўлига олган ўқувчи таниқли таржимон ва шоир Александр Файнбернинг маҳоратига тан бермай иложи йўқ.

"Туркистон-пресс"



— Биз мактабда янги йил байрамига қизгин тайёргарик кўрмоқдамиз.



## ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ СОВГАЛАР

Ҳаммага — жажжигина болажону кексаларгача бирдай ёқимли, хушқайфият бағишлайдиган энг гўзал байрамлардан бўлган Янги йил ўзининг ўзгача таровати ва файзи билан алоҳида ажралиб туради. Бу байрамни кўм-кўк арча ва унинг безакларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Пойтахтимиздаги «Совпластитал» қўшма корхонасининг бу каби махсулотлари нафақат шаҳримиз, республика, МДХда, балки Америка, Европа ва Марказий Осиё давлатларида ҳам бир неча йиллардан буён ўз харидорларини мамнун этмоқда.

Мазкур корхонанинг ахил жамоаси томонидан Янги йил байрамига кўплаб махсулотлар тайёрлиниб, харидорларга етказиб берилмоқда. Булар турли ҳажм ва баландликдаги арчалар ҳамда уларни безаш учун бир-биридан чиройли, нафис, кўзларни яйратувчи ўйинчоқлардир.

Ушбу арча ва унинг гўзал ўйинчоқлари Европа давлатлари каталогларидан олинган бўлиб, корхона дизайнерларининг касб-маҳоратлари, чуқур яланишларининг самараси ўлароқ яратилган. Бу махсулотлар жаҳон талабларига тўлиқ жавоб беради ва энг нозиктаъб мижозининг ҳам дидига мос тарзда тайёрланмоқда. Улар қўшма корхонанинг 4 та фирмали дўконларида сотувга кичирилган.

Арчаларга янги ўйинчоқларнинг ўзидан 450-500 хили жорий йилда корхона тadbirkorлари томонидан яратилди. Улар асосан пластмасса, шиша, пет капсула ҳамда симлардан тайёрланмоқда. Барча хом ашё экологик тоза бўлиб, арча ўйинчоқлари синмайди, демек улар хавфсиз ҳамдир. Жумладан, совға учун махсус чиройли қадокланган туркум ўйинчоқлар, арча ҳамда қуритилган ўтлардан тайёрланган ажойиб композициялар, кўзларни қамаштирувчи чироқлар ҳар қандай харидор эътиборини ўзига тортиш табиий.

Корхона ишчилари катта буюртмани ҳам бажардилар. Яъни 2 та 22 метрли арчалар Тошкент ҳамда Фарғона шаҳарларининг марказига ўрнатилади. Янги йил олдида улар безатилиб, шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонларни хушнуд этади. Болажонларнинг қишки таътил кунларида уларнинг атрофида байрам шодиечалари ўтказилиши ҳам мўлжалланган. Янги йил арча ва ўйинчоқлари Европа ва Марказий Осиё давлатларига ҳам экспорт

қилинмоқда.

Ўз касбининг моҳир усталари бўлган корхонанинг ишчи-хизматчилари юксак технологияларга асосланган ҳолда бугунгача 7 ярим минг турдан ортиқ халқ истеъмолчи моллари ҳамда сифатли, чиройли, чидамли ва рақобатбардор шў-рўзгор жиҳозларини ишлаб чиқармоқдалар. Бу бежирим махсулотлар асосан ранг-баранг пластмасса, рангли шиша, сопол ва юкори сифатли чиннидан тайёрлиниб, у кишиларга эстетик завқ ҳам бағишлайди.

Мустақиллик шарофати билан корхона цехлари кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳам кенгайиб бормоқда, тadbirkorлар доимий ижодий изланишда, харидорлар талаблари мунтазам ўрганиб борилади, менежмент ва маркетинг хизматлари яхши йўлга қўйилган. Саъй-ҳаракатлар туфайли бирийла бир нечта материаллар — чинни, биллур, рангли шиша, бронза ҳамда латунлардан ноёб технология қўллаган ҳолда санъат даражасига етказилган гўзал махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда улар харидорларни жуда мамнун этмоқда. Айни шундай махсулотлар Япония, АҚШ, Канада, Хитой, Россия каби кўплаб давлатларда ҳам эътиборга сазовордир.

Бир сўз билан айтганда, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиқиб, тadbirkorлик билан иш юритаётган «Совпластитал»чилар халқаро бозорда ҳам юксак интеллектуал, маънавий ва санъат салоҳиятига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТЛАРДА: «Совпластитал» қўшма корхонасининг ахил жамоаси тайёрлаган Янги йил совгалари.

Сергей Любчик олган суратлар.

## Ҳамкорлик

### ВАГОНЛАР СОНИ ОРТАДИ

Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш йўлида кўрилатган тadbirkorлик ижодий натижалар бермоқда. «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси саъй-ҳаракати билан ҳам йўловчиларга қатор қўлайликлар яратилади.

Янги йилда шаҳримиз пўлат изларида қатнаётган трамвай вагонлари сони янгилири ҳисобига ортади. Бунинг учун уюшма бошқаруви Россия федерациясининг Челябинск вилоятидаги Усть-Катавский вагонсозлик заводи билан шартнома тузди. Ўзаро келишувга бинона корхона пойтахтимиз йўловчиларига элликка яқин трамвай вагонини етказиб беради. Янги йилнинг бошларида бу буюртма вагонлари Тошкентга келтирилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

Айни вақтда трамвайлар учун эҳтиёт қисмлар ҳам ўз вақтида етказиб берилди.

Акбар АЛИЕВ

### НАФИС ВА ЧИРОЙЛИ ЎЙИНЧОҚЛАР

Пойтахтдаги «Микон» акциядорлик жамияти қошида фаолият юритаётган «Меридиан-А» хусусий корхонаси янги йил байрами арафасида ўз совгаларини ишлаб чиқмоқда.

Ҳар бир байрамда шодиечаларни акс эттирувчи ўзига хос жиҳозлар ва безаклар бўлади. Янги йил айёмини эса, яманиш арча ва уни безаб турган турфа ўйинчоқларсиз тасаввур қилиш қийин. «Меридиан-А» фирмаси ишчи-хизматчилари ҳам Марказий Осиёда ягона ўйинчоқлар туркумини болажонларга ҳаёда етишмоқда.

Янги йил байрамида кичкинтойлар учун энг яхши совға бу турли ширинликлар билан тўлдирилган байрам совгаларидир. Фирмада ишлаб чиқаралаётган ўйинчоқлар нафақат арчани безатишда, балки ширинликлар тўлдириб болажонларга ҳаёда етишда ҳам қўл келлади.

Ўйинчоқлар сифати, нафислиги, кичкинтойларнинг севишли эртас қаҳрамонлари акс эттирилганлиги билан барчага манзур бўлмоқда.

"Туркистон-пресс"

**Спорт**

**ЮСУПОВ МУТЛАК ЧЕМПИОН**

Армрестлинг спортнинг энг ёш ва мамлакатимизда ҳали унча оммалашмаган тури сифатида шаклланаётган. Республика ҳарбий академик лицейида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган мусобақа йиғилганларда илиқ таассурот қолдири.

Тадбир очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси армрестлинг федерацияси вице-президенти, профессор Фикрат Каримов сўзга чиқиб, спортнинг бу ёш тури оммалашиб бораётганини мамнуният билан гапирди.

Мусобақада аёл ўқитувчилар ҳам ўз маҳоратларини намойён этдилар. Лицейнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Умарали Юсупов эса билим даргоҳининг мутлак чемпиони номига сазовор бўлди.

Мусобақа якунида лицейга армрестлинг федерациясининг президенти, республика Халқ таълими вазирлигининг иккита армрестлинг мусобақасини ўтказиш мосламаси совға қилинди.

**САМБОЧИЛАР МАВСУМНИ ЯКУНЛАШДИ**

МХСК спорт мажмуида ўтган самбо бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари билан жорий йилги мавсум ниҳоясига етди.

Унда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган 150 нафар самбочи голиблик учун кураш олиб борди. Шуниси қувонарлики, ушбу мусобақаларда самбо юлдузлари Акрам Эшов, Шавкат Жўраев, Элдор Ғуломов, Ақобир Қурбоновларнинг ҳам қатнашганлиги турнирнинг қизиқарли ва ескини ўтишини таъминлади. Мусобақалар якунида ўз вазнларида голиб бўлган спортчиларга мутасаддилар томонидан совринлар, эсдалик совгалари топширилди ҳамда бу спортчиларга 2004 йили халқаро миқёсда ўтадиган турнирларда қатнашиш ҳуқуқи берилди.

**АНЪАНАВИЙ ШАХМАТ ТУРНИРИ**

Барчага қувонч улашиб қиш фасли ҳам кириб келди. Шаҳримиздаги шахмат-шашка клубида «ақл гимнастикаси» бўлмиш шахмат бўйича анъанавий «Тошкент кузи» турнири ўтказилди. Қирқ нафардан ортик шахматчилар ўзаро беллашган ушбу мусобақаларда биринчи ўринни Николай Шумовский 7,5 очко билан эгаллаган бўлса, 7,5 ва 6,5 очколар эгасига айланган Элёр Назаров иккинчи, Санжар Ҳакимов учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

**ПОЙТАХТЛИКЛАРГА БАЙРАМ ЯРМАРКАСИ**

Пойтахтда вилоят меҳнаткашлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг байрамлоғи ярмаркалари ўтказилмоқда. Мазкур ярмаркалар маҳсулотларининг нисбатан арзон нархлари билан ажралиб туради.

Жорий йил сурхондарёликлар учун ҳақиқий деҳқончилик йили бўлди. Йил бўйи тер тўкиб, ғалла, пахтадан улкан хирмон яратган миришкорлар мева ва сабзавотдан ҳам юқори ҳосил олдилар. Буни вилоят меҳнаткашларининг пойтахтдаги Фарҳод бозорида ташкил этган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси билан

бўлади. Ярмаркада вилоятнинг Жарқўрғон, Олтинсой, Шўрчи, Узун туманларидан ҳамда Сарносиё тумани «Боғу-бўстон» фермер хўжаликларини уюшмасидан 20-35 хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилган. Ярмаркада бир кунда 25-30 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилмоқда. Сурхондарёликлар бу йил пой-

тахтликларга салкам 300 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришни режалаштирганлар.

Сурхондарёликлар томонидан келтирилган сархил мевалар, полиз маҳсулотлари, қайта ишланиб қadoқланган табиий шарбатлар пойтахт аҳолисининг байрам дастурхонини безатиши аниқ.

«Туркистон-пресс»

**ЁШ ОГИР АТЛЕТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШДИ**

Ҳар йили шаҳримиздаги Олимпия захиралари коллежи оғир атлетика залига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Юрий Арутуяннч хотирасига бағишланган турнирда қатнашиш учун умидли ёш оғир атлетикачиларимиз йиғилишади.


Бу гал ҳам анъанавий халқаро хотира турнирида силтаб кўтариш ва даст кўтариш усулларида ўз омадларини синаб кўриб, ғалаба учун кураш олиб бориш мақсадида шаҳримизга 130 га яқин спортчилар ташриф буюришди.

Одатга кўра мазкур турнирда 18 ва ундан ёш оғир атлетикачилар қатнашишди. Зеро Юрий Арутуяннч хотира мусобақаси иқтидорли ёшларни саралаб, келгусида уларнинг тажрибали спортчиларнинг ўринларини эгаллаган ҳолда юртимиз шарафини халқаро турнирларда муносиб ҳимоя қилишлари учун йўл очидек хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилади.

Шундай қилиб умидли ёшлар кўригидан сўнг турнир голиблари аниқланди. Усмирлар ўртасида энг енгил вазнда икки кураш натижасига кўра 100 килограммлик оғирликни забт этган самарқандлик Мирсамад Бегалиев голиб чиққан ҳолда бош мукофотни қўлга киритди.

Қолган вазнларда эса Тошпўлат Шомаметов, Дониёр Ҳакимов, Ақобир Усмонов, Азамат Маматқулов, Одилбой Атамуродов, Лутфулла Сулаймонов, Суннат Музаффаров, Нурилла Тоғаев, Рамиз Саидилов, Баҳодир Тошпўлатов, Вячеслав Тен, Фурқат Саидовлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан жой олишди. 94 килограммдан юқори спортчилар ўртасидаги энг оғир вазнда 285 килограммлик натижа билан Алишер Ғуломов зафар қудди.

Тўртта спортчи — Нурулло Тоғаев, Муҳит Усенбоев, Аъзам Эшонхўжаев ва Суннат Музаф-



фаровлар кўрсатган натижаларига кўра спорт устаси меъёрлари талабларини бажаришди. Қизлар эса 53 ва 58 килограммгача иккита вазн тоифасида иштирок этишди. Қизлар баҳсида омад Елена Сисоева ва Евгения Солиева-ларга қулиб боқди.

Хотира турнирининг барча голиб ва совриндорларни ташкилотчилар — «Ёшлик» кўнгили спорт жамияти ҳамда Республика Олимпия захиралари коллежи томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

**СУРАТДА: 94 килограммгача вазнда ғалаба қозонган ҳамшаҳримиз Вячеслав Тен. Алексей Попов олган сурат.**

**«01» ХАВФСИЗЛИК ҚОЙДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК**

Шаҳримизда янги қуриляётган ва таъмирланаётган масканларда ёнғин хавфсизлиги қонуни қоидаларига риоя қилсак, ёнғин чиқишининг олдини олган ва юрт бойлигини асраб қолган бўламиз. Зеро, кейинги пайтларда бунёд этилаётган айрим ишоотларда хавфсизлик қоидаларига етарли эътибор қилмаслик туғайли ёнғинлар содир бўлаётганлигини қайд этиш ўринли. Шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин содир бўлса, дарҳол «01» рақамли телефонга кўнгиноқ қилиб хабар беришни, манзилни тўлиқ ва тўғри айтишни унутманг.

Кўйида эса қурилиш майдончаларида ёнғинлар чиқишининг олдини олиш мақсадида қўйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозимлигини эслатиб ўта-миз.

қурилиш майдонларини ёнғинчи чиқиндилардан ҳар доим тозаланг;

қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланманг;

электр тармоғи сақлагичларига қўлбола симлар ўрнатманг;

очиқ олов ёқилишига йўл қўйманг;

вагонда, тақиқланган жойларда тамаки чекманг;

вагоннинг тахта деворларига электр улагичлар ўрнатманг;

вагондан чиқаётганнигизда электр тармоқларини ўчиринг;

кислород баллонлари, бўёқлар, карбид, тахта материаллари бирга сақланмаслигига эътибор қаратинг;

қурилиш ҳовлисида болалар ўйнаб юришига йўл қўйманг;

қурилиш майдонларини ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланг;

электр-газ пайвандлаш ишлари пайтида ёнғиндан сақлаш постларини кўйинг.

Миробод тумани ИИБ

Ёнғин хавфсизлиги бўлими

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174, 175, 198-моддаларига асосланган ҳолда Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли қарорини бажариш мақсадида пойтахт ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари миқдорларининг ҳисоб-китоби қўмитанинг меъёрлаштириш бўлимида олиб борилади. Эслатиб ўтамиз, тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаган ташкилотлар ҳар бир тўланмаган кун учун 0,1 фоиз миқдорда устама ҳақ тўлайдилар.**

**Сизнинг корхона ёки ташкилотингиз компенсация тўловчисими ёки йўқми буни шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 417-хонасидан аниқлашингиз мумкин.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 7-уй, 4-қават. Мўлжал: метронинг «Ҳамза» бекати, «Новза» масжиди ёнида. Телефонлар: 173-86-73 қабулхона, 173-86-65, 173-86-93 меъёрлаштириш бўлими.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 324-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Абидов Мирхалил (Мирсоибоевич) номига берилган Z №0410514 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛНАДИ

Кўнгиноқ учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».



**Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3557 нускада босилди. Қоғоз биними А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасидан 10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақидиланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.